O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI DAVLAT MUZEYI INV.№

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 26-dekabr • Shanba • 158-59 (30.119) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сўз — халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН

Син ГУАНЧЕН, *Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Чекка туманларни ўрганиш институти директори (Хитой):*

— Сайлов — катта тарихий, сиёсий воқеа. 2007 йили Ўзбекистонда президент сайловида ҳам кузатувчи сифатида иштирок этганман. Мамлакатингизда сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланган ва сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир.

Бу галги сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан 15 нафар депутат сайланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу экология соҳасига оид қонунларни янада такомиллаштиришга, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг дунёдаги, жумладан, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги нуфузи мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Мамлакатингизда демократия тамойилларига амал қилинаётгани ва жадал иқтисодий юксалиш халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга ва шу боис дунёнинг кўплаб мамлакатлари у билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда. Глобал инқирозга қарамай, мамлакатингиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Бу Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт йўли ғоят тўғри эканини тасдиқлайди.

Хитой Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик келгусида янада тараққий этишига, дўстона ришталаримиз мустаҳкамланишига ишонаман.

Сантаппу РАДҲАКРИШНАН, *ASEAN юридик уюшмаси фахрий котиби (Малайзия):*

— Ўзбекистонда 2004 йилги парламент ва 2007 йилги президент сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада сайлов жараёнларини кузатганман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодлар ўз ташвиқоти чоғида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқ билан таъминлангани, улар орасида аёллар кўплиги эътиборга молик. Халқаро кузатувчиларнинг сайлов жараёнини бевосита кузатиб бориши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Пойтахтингиздаги айрим сайлов участкаларига борганда шунга тўла амин бўлдим. Сайловда иштирок эта олмайдиган беморларга, қариялар уйларига сайлов қутилари олиб борилиши ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатингиздаги тинчлик ва фаровонликка ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат, инсонпарварликни қарор топтириш, тинчлик, дўстлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Юртингизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одат ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминлангани эътиборга сазовор. Турли миллат ва элат вакиллари ўзаро аҳил-иноқ, тотув ҳаёт кечирмоқда, мамлакат равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда.


Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Юртингиз туризм соҳаси изчил ривожланмоқда — янги йўналишлар ишлаб чиқилиб, замонавий меҳмонхоналар қурилди, тармоқ инфратузилмаси кенгайтирилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлардаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликларни зиёрат қилган киши катта руҳий қувват, маънавий озуқа олади.

ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Айрим сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлари, фаоллари сайловолди ташвиқотида жозибадор чақириқлар, чиройли ваъдалар билан ишонч қозонишга уринишди... Бугунги одамлар кечаги одамлар эмас. Улар ҳаётий, эзгу ғоялар, амалий ишларга қараб сиёсий партиялар фаолиятига баҳо беради. Сайловчилар ЎзХДП ғояларини қўллаб-қувватлашларига умид қиламиз.

МЕН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРАМАН!

Ғанишер РАҲМАТУЛЛАЕВ, спорт журналисти, «Заковат» интеллектувал клуби аъзоси.



Чунки партия ижтимоий хизмат кўрсатиш юқори, сифатли ва барча учун мақбул бўлиши тарафдоридир. Унинг Сайловолди дастурида уй-жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ЎзХДП мазкур соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш, энергиянинг муқобил ва тикланадиган манбаларини ҳамда ресурсларни тежайдиган технологияларни қўллашга ўтиш орқали коммунал хизматлар таннархи пасайтирилиши ва тарифларнинг тегишлича барқарорлаштиришни таъминлаш учун ҳаракат қилади.

Чунки ЎзХДП ўзининг дастурий мақсадларини биринчи навбатда, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгилаган. Партиянинг Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини маҳаллий кадрлар билан таъминлаш мақсадида қишлоқ ёшларининг тегишли олий педагогика ва тиббиёт ўқув муассасаларида таълим олиши учун имтиёзлар жорий этиш масалаларига эътибор қаратилган. Бу каби вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилган партия номзодларига овоз бериш ушбу масалаларнинг амалга ошишига ҳисса қўшишдир, деб ўйлайман.

Назира МАҲКАМОВА, Ховос туман хотин-қизлар қўмитаси раиси.



Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ва ёшларнинг китобхонлик даражасини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«ГАПИРУВЧИ» КУТУБХОНА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Сирдарё вилоятида муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, жисмоний имконияти чекланган, кўзи ожиз китобхонларга намунали хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси учун алоҳида бино ажратилди. Бу ерда китобхонлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Китобларнинг умумий сони 15 минг нусхадан ошади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, Гулистон туманида ҳам кўзи ожизлар кутубхонаси ташкил этилиб, тасмаларга муҳрланган «гапирувчи» китоблар билан таъминланди. Бундай кутубхоналар Гулистон шаҳри ва Боёвут туманларида фаолият олиб бормоқда.

Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

ХОНАДОНЛАР НУРГА ТЎЛСИН

Навоий иссиқлик электр станцияси қуввати жиҳатидан Марказий Осиёда йирик корхона саналади. Қарийб ярим асрдирки, учта вилоятни электр нури билан таъминлаб келаяпти. Ҳар йили ўрта ҳисобда 6950 — 7699,4 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Меҳнат аҳли 1400 кишини ташкил этади. Бу ерда ишлаб чиқаришдан тўхтамаган ҳолда энергоблоклар босқичма-босқич қайта таъмирланаяпти. Корхона нуфузли, иқтисодий жиҳатдан бақувват акциядорлар қўлига ўтгач, янги-янги цехлар, қатор қўшимча қувватлар ишга тушди.

— Станциянинг ишлаб чиқариш қувватини йил сайин ошириб бориш эвазига барқарор энергия таъминотига эришилмоқда, — дейди акциядорлик жамияти бош директори Қаҳрамон Ғаниев. — Чунки Навоий вилояти тўлиқ саноатлашган, кончилиги эса кенг ривожланган минтақадир. Ана шундан келиб чиқадиган ёки бу ҳудудда 20 дан зиёд у ёки бу кимё, электрокимё корхоналари, машинасозлик, цемент заводлари мавжудлигини ҳисобга олиб, уларга мунтазам электр энергияси зарурлигини назарда тутсак, ишимиз кўлами-ю масъулияти яна бир бор намоён бўлади.

Навоий иссиқлик электр станцияси, аниқроғи, Навоий ГРЭСи жамоаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини камида 7750,0 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш билан муносиб якунлаш, қиш ойларида ҳам электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш билан бир қаторда Навоий шаҳри учун иссиқ сув ва иссиқ буғ етказиб беришга ҳаракат қилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.


ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори. Партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашади.

ЎзХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРСАНГИЗ, УШБУ МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҲИССА ҚЎШГАН БЎЛАСИЗ!



ОИЛА — БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА БОШ БЎҒИН 3



ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ — ТИББИЁТ МАКТАБИ 5



ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ 8

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

САЙЛОВОЛДИ ҒОЯЛАР КУРАШИ

Бу жараёнда қайси ғоя ҳаётий, долзарблигига сайловчиларнинг ўзлари баҳо беради

Бугун сайлов кампаниясининг муҳим босқичи – депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари якунланмоқда. Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сайловчиларни Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари билан яқиндан таништирдилар. Сайловчилар номзодларимиз илгари сураётган ғоялар ҳаётий эканига ишонч ҳосил қилдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан муносиб ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни пайтда, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида етакчи позицияни эгаллаш учун курашмоқда.

Албатта, бошқа партиялар ҳам сайловда ғолиб чиқишга интилаяпти. Шунинг учун турли партиялар, номзодлар орасида рақобат, беллашув қизғин борди.

Бироқ сиёсий майдондаги курашда айрим партиялар номзодлари билдирган даъволар кишини таажжубга солади.

ЎзЛиДеП фаоллари, номзодлари гап-сўзларига диққат билан қарасангиз, Ўзбекистонда Мустақиллик йилларида қилинган барча ишлар, эришилган ютуқлар учун либералларга ташаккур билдириш лозим эканда, деган хаёлга борасан. Барқарор иқтисодий ўсиш – унинг ҳаракатлантирувчи куч тадбиркорлар, демак – ЎзЛиДеП. Янги иш ўринлари – уларни тадбиркорлар яратади, демак, ЎзЛиДеП. Манзилли ижтимоий ҳимоя – агар тадбиркорлар бўлмаганида ижтимоий эҳтиёжлар учун бюджетда қаердан маблағлар пайдо бўлар эди? Демак, яна ЎзЛиДеП... Бу партия давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган ислоҳотларни, фаол шаклланаётган ўрта мулкдорлар синфи ҳаракати билан қўлга киритилган барча натижаларни уялмасдан ўзиники қилиб кўрсатмоқда.

Кўп ҳолларда бу партия шовшувли баёнотлар беради-ю уларни амалий таклифлар билан қувватламайди. Масалан, аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимояси ҳақида сўз борар экан, ЎзЛиДеП сайловолди дастурида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нималарга эришилгани тўғрисида батафсил сўз юритилади. Лекин аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимояси бўйича "аҳолининг тадбиркорлик маданиятини ошириш"дан бошқа ҳеч қандай таклиф айтилмайди. Афсуски, барчани бирдек, тадбиркор, ишбилармон, бизнесмен, фермер қилишнинг иложи йўқлиги ҳақидаги оддий ҳаётий ҳақиқатни тушуниб етмаяпти.

ЎзЛиДеП вакиллари ижтимоий соҳани молиялаштириш учун Давлат бюджетининг катта қисми ажратилади. Шундай экан, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга яна қандай эҳтиёж бор деган саволни тез-тез берадиган бўлиб қолди.

Биринчидан, шуни қайд этиш керакки, ЎзХДП ижтимоий ҳимояни кучайтириш эмас, унинг самарадорлигини ошириш, манзилли йўналтирилишини таъминлаш тарафдоридир. Манзилли ижтимоий ёрдамни маълум даврда, яъни ўзи, оиласи учун зарур манбани таъминлаёлмай қолган вақтдаги кўмак, деб тушуниш зарурлигини таъкидлаяпмиз. Ижтимоий муҳофазага муҳтож одамларни давлат бюджети ҳисобидан бир умрга боқиш керак, деган фикрга мутлақо қаршимиз. Ҳар бир одамнинг қобилияти, касб-коридан келиб чиқиб, меҳнат қилиши ва фаровонлигини таъминлаши учун шарт-шароит яратиш масаласини илгари сураяпмиз.

Шуниси қизиққи, ЎзЛиДеПнинг номзодлари ўз сайловолди учрашувларида манзилли ижтимоий ҳимоя масаласида, партия раҳбарияти айтаётганидан бошқача нуқтаи назарни баён этишди. Масалан, Тошкент шаҳри туманларидан бирида ЎзЛиДеПдан депутатликка номзоднинг ташвиқот плакатида, дастурий мақсадларида сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланишда барчага тенг қулайлик яратиш, ишга жойлашишда адолат, давлат томонидан ногиронлар, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотганларни қўллаб-қувватлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар ёзилган. Бу гаплар ЎзЛиДеП сайловолди платформасидан олинмагани кундай равшан. Зийрак сайловчи буни дарров пайқайди, албатта.

Қайси ғоя ҳаётийлиги, одамлар турмуши билан бевосита боғлиқлигини яхши тушунган ЎзЛиДеП номзоди амалда Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий ғоялари асосида ўз сайловолди кампаниясини ташкил этмоқда. Либераллар ХДП ғояларини танқид қилмоқчи бўлади-ю, лекин амалда унинг номзодлари биз ўртага ташлаётган масалаларга асосан сайловолди ташвиқотини юритади. Бунга нима дейсиз?

ЎзЛиДеП Сайловолди платформасида биринчи устуворлик деб "барча чоралар билан бозорни янада эркинлаштириш" белгиланган. Шу жумладан, ишчи кучи бозори ҳам.

Яъни, либерал демократлар меҳнат бозорида эркин рақобат бўлиши тарафдоридир. Бунда рақобат курашига тайёр бўлмаган, ишга жойлашишда ёрдамга муҳтож кишилар борлиги уларнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Ваҳоланки, кўп болали ота-оналар, ногиронлар, айрим касб-кори бўлмаган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлам бундай рақобатга кира олмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ишга жойлашишда қийинчиликка учраётган кишилар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этадиган корхоналарга солиқ ва бошқа имтиёз бериш механизмини ишлаб чиқишни таклиф этади.

ЎзЛиДеПнинг фикрича жисмоний имкониятлари чекланган кишилар – ногиронлар учун иш ўринларини яратишга не ҳожат, ахир улар давлат пенсиясини оладилар-ку!

Лекин меҳнатга қобилиятли, жисмоний имкониятлари чекланган кишилар орасида хайрияга эмас, меҳнатга бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилиши, меҳнат қилиб ўзи, оиласи, юртимизга фойда келтирмоқчи бўлаётганлар оз эмас. Жаҳон ҳамжамиятининг муҳим инсонпарварлик ютуғи – бу шундай одамларнинг ижтимоий мослашиши зарурлигини тушунганидир. Бизнинг партиямиз ҳам бундай одамлар ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари деб ҳис қилишлари, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашлари учун тегишли шароит яратиш зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ЎзЛиДеПга ўхшаб ҳеч қачон бундай баландпарвоз баёнотлар бермаган. Беш йил аввал биз ўзимизга биргина, кўппартиявий демократик жамиятда сиёсий партия ўз зиммасига олиши мумкин бўлган вазифани зиммасига олган. Бу эса электорати – давлат ва жамиятнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига муҳтож қатламнинг ижтимоий манфаатларини ифода этиш ва улар учун курашиш масъулиятидир.

Ўтган даврда биз ушбу эзгу мақсад йўлида курашиб келдик. Сайловлар натижасида вакиллик органларидан қанча ўрин эгаллашимиздан қатъи назар, ушбу позициядан туриб курашни давом эттирамиз.

Асли КАМОЛ

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Муҳаммад САЛОМА, «Ал-Масоийя» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари (Миср):

— Мамлакатингизга учинчи бор кузатувчи сифатида келишим. Таъкидлаш жоизки, юртингизда миллий сайлов тизими муттасил такомиллашиб бормоқда. Аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси катта бўлаётганини таъкидлаш керак. Сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнини ёритиш ва номзодларнинг дастурларида илгари сурилган йўналишларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда барча оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали фойдаланилмоқда.

Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар таҳсинга лойиқ.

Ўзбекистондан, айниқса, таълим соҳасида ўрнак олса арзигулик жиҳатлар жуда кўп. Ўзбекистон ислом цивилизациясининг йирик марказларидан бири бўлиб келган ва шубҳасиз шундай бўлиб қолади.

«Ал-Масоийя»да юртингизнинг тарихи ва бугунги ҳаёти, эришаётган ютуқлари ҳақида мақолалар мунтазам чоп этилади. Бундан мақсад Миср халқини Ўзбекистондек гўзал диёр билан яқин таништириб боришдир.

Жак БАРР, «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори (Франция):

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим. Мамлакатингизда сайловга халқаро меъёр ва андозалар доирасида тайёргарлик кўрилаётганига яна бир бор амин бўлдим. Ўзбекистондаги сайлов тенглик, ошкоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтказилишига ишонаман.

Мамлакатингизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Ўлим жазоси бекор қилиниши бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибори туфайли юртингиз жаҳон молиявий бўҳронидан деярли азият чекмади.

ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Муносабат

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ...

Баркамол авлод таълим тарбиясида, энг аввало, ўқитувчи мураббийларнинг ўрни ва масъулияти муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб биз муаллимлар ўқиш ва ўқитишга бўлган ўз муносабатимизни тубдан қайта кўриб чиқиб, ҳар бир ишимиз, ҳаракатимиз замирида фарзандларимизга бўлган эътибор ўз аксини топиши керак.

Бугун янги замон таълим масканлари бўлган лицей, коллежларимизда эртага юрт корига ярайдиган, Ватан равнақига ҳисса қўшадиган ўғил-қизлар таълим олмоқда. Ёшларнинг дунёқараши, билимга чанқоқлиги шуни кўрсатадики, биз ўқитувчилар, ота-оналар, уларнинг орзу ниятлари ва интилишларига қанот бўлишимиз керак.

Мамлакатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек **«Биз яшаётган XXI аср интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср».** Бу ҳақиқат бугунги ёшларнинг бир неча тилларни мукаммал билишида, компьютер технологияларини тўлиқ эгаллаганида, жаҳон бўйлаб Ўзбекистон номини юксакларга кўтарганда тўла намоён бўлмоқда.

Шунингдек, бугунги ёшлар олиб бораётган илмий тадқиқотлар, ижодий ишлар, спортда эришаётган улкан муваффақиятлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда таълим ислоҳотлари жуда тез ўз меваларини бермоқда.

Бугунги ёшларнинг ҳар бир ҳаракатида Ватан шаънини улуғлашдек буюк мақсад ётибди. Мен ишонаманки, бугунги оловқалб ёшларимиз жаҳонни ўз билими, ўз салоҳияти билан қойил қолдира олади.

Шу ўринда мен бир муаллим сифатида бугунги таълим масканлари қиёфаси тубдан янгиланганлигини, эътибор ва ғамхўрлик оширилганини эътироф этмоқчиман. Эндиги гап фақат ўқиш ва ўқитишда қолмоқда. Фарзандларимиз таълим-тарбиясига дахлдорлик, жавобгарлик туйғуси ҳар биримиз учун муқаддас мақсадга айланмоғи шарт. Ўшандагина, биз орзу қилган, биз интилган, бизнинг мақсадимизга айланган баркамол авлод камолга етади. Бунинг учун эса, энг аввало, ўқитувчи бедор бўлиши, ҳар бир бола тақдирига, келажагига бефарқ бўлмаслиги зарур.

Бир сўз билан айтганда, келажак бугундан бошланади. Эртанинг пойдевори бугун қўйилади. Мана шуни унутмаслигимиз зарур.

Наима КАРИМОВА, Тошкент банк коллежи ўқитувчиси.

Жамоатчилик фикри

2009 ЙИЛ САЙЛОВЛАРИ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2009 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида бўлажак сайловлар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш учун сўров ўтказилди. Сўров ўтказишдан мақсад – аҳолининг бўлажак сайловларга тайёргарлик даражасини; сиёсий партияларнинг рейтингини аниқлашдан иборат эди.

Сўровда қатнашганлардан 50%ни аёллар ва 49,1%ни эркаклар ташкил қилди.

Қуйида мазкур сўров натижалари бўйича айрим маълумотларни келтирамиз.

Сўров иштирокчиларининг 26,5% айнан ЎзХДП уларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий қарашларини тўлиқ ифода этиб, ҳаётга татбиқ қилишга интилмоқда. «ЎзЛиДеП» –18,9%,«Адолат» – 13,2% ва «Миллий тикланиш» – 6,0%.

«Ўзбекистонда рўйхатга олинган сиёсий партиялардан қайси бири сизнинг ҳаётий манфаатларингизни тўлароқ ифодалайди?», деган саволга қуйидагича жавоб олинди:

	Ноябрь 2009	Декабрь 2009
ЎзЛиДеП	13,2	18,9
«Адолат» СДП	2,5	13,2
ЎзХДП	28,2	26,5
«Миллий тикланиш»	5,4	6,0

«Қуйида номлари келтирилган сиёсий партиялар газеталарининг қайси бирида депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлаш бўйича чоп этилган сайловолди материаллар сизнинг ўқувчи сифатидаги талабларингизга тўлиқроқ жавоб беради?», деган саволга муносабат қуйидагича бўлди:

Газета	Тўлиқ	Қисман	Етарли эмас
«XXI аср»	5,1	13,4	5,8
«Адолат»	6,4	15,9	5,5
«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана»	10,2	17,5	5,3
«Миллий тикланиш»	4,5	16,0	4,9

«Қайси сиёсий партиядан кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари сайловчи сифатида сизнинг манфаатингизни кўпроқ даражада ифода этади?», деган саволга 29,4 респондент ЎзХДПни кўрсатди, 21,1% респондент – ЎзЛиДеПни, 13,5% респондент – «Адолат»ни ва 7,1% респондент – «Миллий тикланиш»ни.

«Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар эртага бўладиган бўлса, қайси сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар учун овоз берган бўлар эдингиз?», деган саволга 27,3% респондент ЎзХДПни, 18,8% респондент – ЎзЛиДеПни, 12,6% респондент – «Адолат»ни, 5,5% респондент – «Миллий тикланишни» танлади.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАЙЛИК



Депутат сўзининг замирида жуда катта маъно ва масъулият бор. Бугунги депутат аввалгиларидан фарқ қилиши керак. Номзодлар орасидан ана шундай тафаккурли, салоҳиятли, айтаётган сўзининг устидан чиқадиган, ғоялари ҳаётий бўлганларини танлаб, унга ўз овозимизни берсак, келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Биз истиқомат қилаётган 77-Ангрен сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Алия Юнусованинг номзоди кўрсатилган. Яқинда Ангрен шаҳрида номзод билан сайловчиларнинг қизғин учрашуви бўлиб ўтди. Унинг сайловолди дастуридан соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, ижтимоий таъминот соҳасида давлат минимал ижтимоий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби муҳим масалалар ўрин олган. Номзод сўзлари, саволларимизга жавобларини эшитиб, унинг ўз соҳасида билими етуклигига амин бўлдим.

Ҳар бир сайловчи энг аввало, қайси номзодни ёқласа, ўз тақдири, бошқаларнинг ҳаёти нечоғли бахтиёр, фаровон бўлишини шу депутатга боғлаётганлигини англаб етиши керак. Сайловчиларнинг юксак масъулияти энг муносиб одамларни танлашда намоён бўлади. Хўш, бунда нималарга эътибор бериш керак? Сайловчи дилидаги номзодни танлашда шу савол доимо ёдида бўлмоғи лозим. Негаки, ёлғон ваъдалар билан иш битирадиган замонлар аллақачон ўтди. Бугун ҳам баъзи номзодлар шу усулни қўллаб сайланаман, деб умид қилиб юрган бўлса, адашади. Халқ ҳозир тафаккури юксак, адолатли қонунлар қабул қилишда ва уни амалга оширишда фидойилик кўрсатадиган жонкуяр номзоднинг депутат бўлишини истайди.

Дилобар РАҲМОНБЕРДИЕВА, Тошкент вилояти давлат педагогика институти тарих факультети талабаси

● ● ●

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви қизғин саволжавоблар, фикр алмашувлар асосида ўтди. 70-Термиз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод **Машраб Сиддиқов** ва «2500 йиллик» сайлов округидан халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод Асқар Ғойибовлар сайловчилар билан учрашув ўтказдилар.

— Машраб Сиддиқовнинг сайловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди номзоднинг ишончли вакили Нормамат Норпўлатов. — Шуниси ибратлики, у шу вақтга қадар ҳам меҳнат фаолияти даврида ўзининг ана шу эзгу ниятини рўёбга чиқаришга астойдил интилди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини самарали ижтимоий ҳимоялашнинг асосий воситаси — улар бандлигини таъминлашдир. Номзод бу масалани илгари суриб, бу борада қандай ташаббуслар билан чиқмоқчи эканлигини сўзлаб берди.

Шундан сўнг Машраб Сиддиқов мамлакатимизни янада тараққий эттириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини янада самарали ижтимоий муҳофазалаш масалалари юзасидан фикр юритди.

Номзод Асқар Ғойибовнинг тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминоти сифатини янада яхшилаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш юзасидан илгари сураётган масалалари сайловчиларда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, у шаҳар Кенгаши вакилларидан келиб чиқиб, кўтарилаётган вазифаларни амалга ошириш йўллари ҳақида ҳам батафсил тўхталди.

— Бошқа партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг учрашувларида ҳам иштирок этдим, — деди София Кўчарова. — Аммо менга энг маъқули ЎзХДП номзодларининг чиқишлари бўлди. Мен уларнинг ҳаётимиз янада фаровон бўлиши, турмуш шароитимиз яхшиланишига муносиб ҳисса қўшишларига ишонаман.

71-Жарқўрғон сайлов округидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Сафар Эгамуродов** билан ушбу туман марказидаги «Наврўз» маданият уйида ўтказилган учрашувда маҳаллалар, корхона, ташкилотлардан 200 нафардан ортиқ вакиллар қатнашди. Савол-жавоб, фикр алмашувлар чоғида сайловчилар ХДП ғоялари ҳаётий ва эзгу ғоялар эканини таъкидлашди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

Сайловлар — кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

ЎзХДП ФОЯЛАРИ ДОЛЗАРБ ВА ҲАЁТИЙ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Қўлга киритган ютуқларимиз замирида Юртбошимиз томонидан асослаб берилган жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг беш устувор тамойили ётади.



Ушбу тамойилларнинг биринчиси, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини белгилаб беради. Бунинг туб моҳияти ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида давлат иқтисодиётни мувофиқлаштириб бориши, аҳолининг кам таъминланган қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромадлари ўсишини кафолатлаш, солиқ юкини босқичма-босқич пасайтириб бориш орқали кичик бизнеснинг жамият ҳаётидаги ролини ва бошқа мақсадларни амалга оширишдан иборатдир.

Бозор ўз-ўзини тартибга солади, деган қарашларнинг замини пучлиги, «давлатнинг бошқарувчилик ролини камайтириш» каби ғоялар узоқ муддатли макроиқтисодий барқарорликни таъминлай олмаслигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли мақсадларини танлашга ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг бошқарувчилик ролини мустаҳкамлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга экани яна бир бор исботланди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида ўзларининг ғояларини сингдирмоқчи, ўз моделларини татбиқ қилмоқчи бўлганларнинг бугун ютуқларимизни тан олишдан ўзга иложи қолмади.

Шу ўринда, оддийгина бир ҳаётий ҳақиқатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Бугун дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам минглаб корхоналар банкрот бўлиб, иш ўринлари сурункали қисқариб, бораётганига гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Бизнинг мамлакатимиздачи? Агар дастлабки статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2009 йилда 930 мингдан ортиқ ёки 2008 йилга нисбатан 40 фоиз кўп янги иш ўринлари яратилганини кўриш мумкин. Энг аҳамиятлиси, яратилган иш ўринларининг асосий қисми қишлоқ жойларидадир.

Ана шундай бир шароитда дунё мамлакатлари иқтисодиётга давлатнинг мувофиқлаштирувчилик ролини кучайтириш, давлат ўз зиммасига кўплаб кафолатларни олиш амалиётига қайтаётган бир вақтда иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш ғояси ноўрин, деб ҳисоблаймиз. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бу ўта қалтис ҳаракат бўлиб, эркин бозор иқтисодиёти ғояси мамлакатни инқирозга олиб келиши мумкин.

Ана шу вазиятни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ривожлантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ғояларини илгари сурмоқда.

Хусусан, ижтимоий ҳимоя йўналишида асосий эътибор аввало, кўп болали аёллар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, жисмоний имкониятлари ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун касаначилик билан шуғулланиш имкониятларини янада кенгайтириш борасидаги тадбирларни амалга ошириш, имтиёзли кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор қаратиш зарурки, давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бир умрга бўлмаслиги, одамларни боқимандаликка ўргатмаслиги керак. Ижтимоий ҳимоя манзилли, муҳтож кишиларнинг соғлиги, меҳнат қобилияти тиклангунча, иш топгунига қадар бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Бировнинг кўмагисиз ўз ҳаётини ташкил қилиш қобилиятига эга бўлмаган кишилар бундан мустасно, албатта.

Зеро, жамиятимизда ҳар бир одам фаровон яшаши учун, аввало, ўзи курашиши лозим. Зарур пайтда ижтимоий ҳимоялаш механизми ишга тушиши эса ёрдамга муҳтож кишининг давлат ва жамият эътиборини ҳис қилиб яшашига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Ана шу йўл билан биз ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами тобора қисқариб боришини кўзлаганмиз. Шу билан бирга, ижтимоий муҳофазага муҳтож, деб топиш мезонларини ҳам қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Баркамол авлод таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш масалалари ҳам партиямиз дастуридан алоҳида ўрин олган. Хусусан, олий-таълим муассасаларида тўлов-шартнома пулида имкониятлари чекланган қобилиятли талабалар ўқиш харажатларини молиялаштиришнинг муқобил тизими таклиф этилади. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига эгалланган мутахассисликлари бўйича иш билан тўлиқ таъминланиши учун масъулиятни янада ошириш, касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни бевосита меҳнат бозори талаби билан мувофиқлаштириб бориш механизмини янада такомиллаштириш масалалари белгиланган.

Бугун депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашмоқдалар. Шахсан мен ҳам учрашувлар ўтказдим. Сайловчилар партиямиз илгари сураётган масалаларни, ғояларни қўллаб-қувватлашмоқда. Демак, ғояларимиз долзарб ва ҳаётий. Шунинг учун мақсадимизга эришишда қатъий туриб курашмоғимиз зарур.

Наргиза КУЗИЕВА,
иқтисод фанлари доктори,
127-Қорақамиш сайлов округи бўйича Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод.

Бош прокуратурада

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда республикада махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларга яратилган шарт-шароитлар аҳволи ҳамда бу борада Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Маълум бўлишича, Республика бўйича 18 ёшгача бўлган 125 минг нафар ногирон боланинг 45 минг нафари шаҳар ва туман марказларида, 80 минг нафари қишлоқ жойларида яшайди. Жорий йилда 442 нафар ногирон бола реабилитация қилинган, 587 нафари соғломлаштирилган, 939 нафар ногирон бола протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланган, «Мурувват» уйларига 1,3 миллиард сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилган.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ҳам махсус мактаб ва мактаб интернатлари тарбияланувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, соғлигини муҳофаза қилиш, таълим олиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида ҳудудий комиссиялар томонидан ижтимоий таъминот бўлимлари, соғлиқни сақлаш ва таълим идоралари билан ҳамкорликда бир қанча ишлар амалга оширилган. Шу билан биргаликда жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини самарали ташкил этиш, моддий-маиший таъминотини яхшилаш, ногирон болаларга протез-ортопедия маҳсулотлари ва бошқа реабилитация техника воситаларини ўз вақтида етказиб бериш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш зарур.

Кун тартибидаги масала бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи, комиссия аъзоси А.Хаитовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Бош вазир ўринбосари Ф.Акбарова иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА



Чироқчи спорт педагогика коллежи 2008 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Айни пайтда бу ерда 1000 нафарга яқин ўқувчи беш йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Коллежнинг Гулбаҳор Жўраева, Умида Турсунова, Санжар Эргашев, Абдивали Саидов, Сирожиддин Турсунмуродов, Аббос Неъматов сингари ўқувчилари каратэ, тэквондо ҳамда кураш бўйича мамлакат биринчиликларида совринли ўринларни эгаллашди.

— Давр талаби даражасида ёшларга таълим ва тарбия бериш — биз ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Исохон Икромов.

Суратда: *лингафон хонасида машғулот пайти.*

Абдурасул ПАРДА олган суратлар.

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган маросимда кириб келаётган 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этгани ва шу муносабат билан тайёрланадиган Давлат дастурининг асосий йўналишларини белгилаб бериши қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдириши баробарида ҳар биримизга масъулият ҳам юклади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида бу дастурни амалга оширишда оиланинг ўрнига алоҳида тўхталиб, «Соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор», дея таъкидлашлари барчамизни тўлқинлантириб юборди.

ОИЛА – БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА БОШ БЎҒИН

Мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар туфайли оилани, оналикни қўллаб-қувватлаш ва бола манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган конституциявий нормалар қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларида ўз аксини топди. Жумладан, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунни оладиган бўлсак, унга кўра ёш болали, кўп болали аёлларни ишга қабул қилишда имтиёзлар белгиланган. Яъни, она ўз фарзандига етарли эътибор ва меҳр бериши учун қонун йўли билан реал имкониятлар яратилган. Шу каби қонунларимизда эмизикли боласи бор аёлга қўшимча имтиёзли танаффуслар берилиши шартлиги, янги оила қураётган ёшларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оила аъзолари, ҳомиладор аёллар, вояга етмаган болалар бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши ва таъминланиши ҳақидаги кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилди.


Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар билан бирга қатор қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларга кўра, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти тобора такомиллашиб бормоқда.

Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини асраш, оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган қарор ва дастурлар оилада ота-оналарнинг ўз зурриёдлари келажаги учун кўпроқ қайғуриш, яратилаётган шароитлардан омилкорона фойдаланишга ўргатди. Шу сабаб иқтидорини эрта намойиш этаётган ёшларимиз кўпайиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасидир. Янги йилимизни Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши бу эзгу ишлар бардавомлигига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Бугун давлатимиз, ҳукуматимиз юртимизда ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлодни шакллантириш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиш дастурини қабул қилишга тайёрланар экан, биз ота-оналар ҳам ўзимизга вазифалар белгилашимиз лозим. Аввало, ҳар бир ота ва она фарзанд камолотидан бирламчи манфаатдор шахслар сифатида оиладаги хотиржамлик, соғлом муҳитни асраш борасидаги ўз имкониятларидан тўла фойдаланишни кундалик шиорига айлантириши зарур. Бу борада биз «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақлни бир дақиқа бўлса ҳам унутмаслигимиз, фарзандларимизга, кундалик иш ва муомаламизда ўрнак бўлишимиз шарт.

Зеро, бугуннинг боласига ҳадеб панд-насиҳат қилавериш, тушунтираверишҳар доим кутилган самарани беравермайди. Уларга инсоний фазилатларни амалда кўрсатиш, ўргатиш, намуна ва ибрат бўлиш лозим.

Муносабат



Албатта, бу осон эмас. Ота-оналик шундай мартабаки, у рўзғор юритиш, хўжалик муаммоларининг ечимини топиш, қўлидаги ҳунаридан ўринли фойдаланиб, ҳалол нон топишни ва шу билан фарзандларини едириб-ичириш баробарида улар тарбиясига кўпроқ вақт ажратиши талаб этилади.

Бола тарбиясини таъминловчи барча омилларни ҳар бир ота-она билиши шарт. Бу, аввало, сизнинг оиладаги соғлом, баъмани муносабатларингиз, ота-онангизга кўрсатадиган эҳтиромингиз. Бола уларни идрок этар экан, ота-онани эъзозлаш фикрини кўнглига туяди. Қолаверса, боғча ва таълим муассасалари бор. Уларда ҳам фарзандларимиз яхши амалларни эгаллайдилар. Маҳаллада бўлаётган турли тадбирларга ижобий муносабатимиз болани жамоатчилик фикрини инобатга олиб яшашга ўргатади. Спорт ва жисмоний машқларга муносабатингиз, соғлом турмуш тарзи амалларини билишингизга қараб, болаларнинг жисмоний маданиятини ошириб боради.

Албатта, буларнинг барчаси, аввало, фарзандларимиз қалбида ёруғ истиқболга, мустаҳкам ва аҳил оила қуришга интилишни шакллантиради. Демак, ўз саъй-ҳаракатларимиз билан фарзандларимизни келгуси ҳаётга тайёрлаб борамиз. Энг муҳими, оила қўрғонимизни бут, соғлом, муносабатларимизни самимий қилиш воситасида ёшларимизни турли хил зарарли иллатлар домидан, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, «оммавий маданият»нинг таҳдидларидан асраб қоламиз.

Кириб келаётган Баркамол авлод йили жамиятимизнинг янада юксалиш йўлида қутлуғ йил бўлади. Чунки, 2010 йил ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари билан ҳар бир оиланинг истиқболга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Васила КАРИМОВА,
Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.

«Ғузор-Сурхон» подстанциялари оралиғида тортилган электр симларидан ток ўта бошлади. Ушбу линиянинг умумий узунлиги 197 километрдан иборат. Унинг Сурхондарё вилояти ҳудудидан ўтадиган қисмида 317 та металл таянчлар ўрнатилиб, 101,2 километр масофага сим тортилди. «Сурхон» подстанциясида 500 киловольт иккинчи навбат трансформатор ва қурилмалар барпо этилди.

ЭЛЕКТР ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

— Бундай катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи «Электртармоққурилиш» акциядорлик жамияти ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги энергетика корхоналари мутахассислари амалга оширди, — дейди вилоят «Ягона пудратчи» инжиниринг компанияси инженери Ҳакимали Ҳамзаев.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сайловларда овоз беришни ташкил этиш сайловлардаги энг муҳим жараён ҳисобланади. Демократик давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам овоз бериш жараёни яширин тарзда, бевосита сайлов бюллетенини тўлдириш орқали амалга оширилади. Овоз беришнинг бундай тарзда амалга оширилиши умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар нормаларини сайлов жараёнида қўллаш кафолати ҳисобланади.

Бундан ташқари, универсал аҳамиятдаги халқаро сайлов стандартлари (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлар), минтақавий аҳамиятдаги халқаро сайлов стандартлари (Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар)да ўз ифодасини топган яширин овоз бериш принципига риоя қилишни таъминлайди. БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилинган **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг** 21-моддаси (халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва соҳталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим), 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг** (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган) 25-моддаси (ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз беришлари ва сайланиши), Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг 1994 йил 26 мартда бўлиб ўтган 154-сессиясида қабул қилинган **Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация**нинг 4.2.-банди (яширин овоз бериш принципига риоя қилиш давлатларнинг мажбурияти ҳисобланади), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) томонидан 1990 йил 29 июнда қабул қилинган **Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаши ҳужжати** 7-банди (давлатлар овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг келадиган тартибот қўлланилишини таъминлашлари), 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг **Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқ ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги Конвенциясининг** 1-моддаси 2-бандида тан олинган демократик сайловларнинг стандартлари (яширин овоз бериш асосидаги сайловларнинг мунтазамлиги, мажбурийлиги, одиноналиги, чинакамлиги ва эркинлиги тамойиллари) шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимиздаги сайлов бюллетени билан боғлиқ қоидалар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича Бюросининг бир қатор тавсияларига ҳам мос келади.

Таъкидлаш жоизки, сайлов бюллетени Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли тартибда ва шаклда тасдиқланадиган, ўзида депутатликка номзод ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни)ни акс эттирган, фуқароларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишини таъминловчи сайлов ҳужжати бўлиб, у бир пайтнинг ўзида қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

— ахборот вазифасини, яъни сайловчи бюллетень мазмуни билан танишиш орқали овоз бериш учун зарур бўлган маълумотларга (жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказилаётганлиги ҳақида, депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинган шахс ҳамда уни номзод сифатида кўрсатган сиёсий партиялар тўғрисидаги маълумотларга) эга бўлади;

— яширин овоз беришни кафолатлайди;

— сайловчининг хоҳиш-иродасини аниқлашга имкон берувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Амалиётда сайлов бюллетенларининг икки тури учрайди:

– *расмий*, яъни ваколатли давлат органи томонидан белгиланган сайлов бюллетени;

– *норасмий*, яъни номзодларнинг ўзлари томонидан чиқарилган сайлов бюллетени. Масалан, Францияда сайлов бюллетени ўз номзодини қўядиган партиялар ёки ҳар бир номзодлар томонидан алоҳида тартибда чиқарилади. Норвегияда эса сайловчилар оддий оқ қоғоздан фойдаланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасида сайлов бюллетени расмий тусга эга бўлган ҳужжат ҳисобланиб, унинг намунаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Бинобарин, сайлов бюллетенининг шакли ва матнининг тасдиқланишини бошқа давлатлар, хусусан Россия, Белоруссия, Грузия, Украина давлатлари тажрибасида ҳам кузатиш мумкин.

Сайлов бюллетени ҳар бир сайлов округи бўйича тайёрланади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, сайлов бюллетенига қуйидаги талаблар қўйилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига доир сайлов бюллетенининг намунаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади;

иккинчидан, сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлаш округ сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади;

учинчидан, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия (халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сайлов бюллетенида шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи) кўрсатилади.

тўртинчидан, сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

бешинчидан, сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

Сайлов бюллетенларининг округ сайлов комиссияси қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкинлигининг миллий қонунчиликда назарда тутилганлиги, энг аввало, мамлакатимиз аҳолисининг кўпмиллатлилигидан келиб чиқиб белгиланганлигидан далолат беради. Бу эса инсонпарварлик ғояларининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Масалан, тегишли сайлов округининг кўпчилик аҳолиси рус миллатига мансуб бўлса, сайлов бюллетенлари улар учун рус тилида нашр этилади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раислари ёки раис ўринбосарлари ёки котиблари ўз имзолари билан тасдиқлайдилар. Бундай расмийлаштириш жараёнининг белгиланиши сайлов бюллетени сони билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади. Шунингдек, қонун сайлов бюллетенларининг сони тўғри берилганлиги ва олинганлиги юзасидан жавобгарликни уларни бериш ва қабул қилишни амалга оширувчи тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раислари ёки раис ўринбосарлари ёки котибларига юклайди.

Участка сайлов комиссиясига берилган сайлов бюллетенларининг сони юқори турувчи сайлов комиссияси, яъни округ сайлов комиссиясининг қарори билан белгиланади, аммо участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Яъни, сайлов кунида сайлов бюллетенининг нотўғри тўлдирилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзага келса, жумладан, сайловчиларнинг овоз бериш куни бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида қўшимча олинган сайлов бюллетени берилади. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенларининг участка сайлов комиссияси томонидан янгиси билан алмаштириб берилиши сайловчиларга уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишларида тўлиқ имконият яратиб беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қалбаки (сохта) бюллетенлардан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган қўшимча кафолатларни таъминлаш мақсадида бюллетенлар қабул қилиб олинганидан кейин уларнинг ҳар бирини ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди. Бу ҳолат сайлов жараёнининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли. Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз миллий қонунчилиги билан белгиланган тартибдан фарқли ўлароқ, айрим давлатларда, хусусан Бразилия, Россиянинг айрим ҳудудларида сайловчининг сайлов бюллетенларини тўлдириши электрон карточкадан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши ҳоллари ҳам учрайди. Германияда почта орқали, Хитой, Франция каби давлатларда эса ишончнома орқали овоз беришга рухсат бериш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Маълумки, сайлов куни айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмасликлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси камида икки комиссия аъзосига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топшириши мумкин.

Участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида овоз бериш фақат сайлов куни, фуқароларнинг ёзма ёки оғзаки (жумладан, бошқа шахс ёрдамида етказилган) мурожаатномаси асосида ташкил этилади. Ушбу мурожаатни фуқаро участка сайлов комиссияси ташкил этилганидан кейин хоҳлаган вақтда унга етказиши мумкин.

Бундай имкониятнинг яратилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланганлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг эркин-иродаси алоҳида ўринга эга эканлигидан далолат беради. Мазкур вазиятларда овоз бериш алоҳида сайлов участкаси бўлмаган жойлар – уй, касалхона ёки бошқа даволаниш муассасаларида ҳам ташкил этилиши, бу жараёнда кузатувчилар ҳам иштирок этиши мумкин. Фуқароларнинг мурожаатларига асосан овоз беришни участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида ўтказиш учун бораётган сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида комиссияда муҳрланган кўчма сайлов қутиси ва фақат зарур миқдорда белгиланган шаклдаги сайлов бюллетенлари бўлиши керак. Тушган аризалар бўйича овоз беришни участка сайлов комиссияси биносидан ташқарида ўтказиш учун бораётган сайлов комиссияси аъзолари бюллетенларни участка сайлов комиссияси раиси ёки котибидан имзо қўйиб оладилар. Участка сайлов комиссияси ихтиёридаги кўчма сайлов қутилари сони иккитадан кўп бўлмаслиги лозим.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов бюллетени яширин овоз бериш воситаси сифатида фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Дмитрий ОГАЙ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИНГ ЖОНКУЯРИ

Дониёр АЗИЗХЎЖАЕВ 1944 йил Чирчиқ шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1963 йили Чирчиқ металлоконструкция заводида авточилангарликдан бошлаган.



1963-1967 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1967-1985 йилларда «Трансформатор» заводида сим ўровчи, уста, котиб, касаба қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. 1991-2000 йилларда Чирчиқ шаҳар халқ депутатлари Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими бўлган. 2000 йилдан ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси.

Дониёр Азизхўжаев фаоллиги, меҳнатсеварлиги билан обрў қозонган. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин фидойи, ташаббускор ва талабчан, атрофдагиларга меҳрибон, эътиборли, адолат тамойилларига содиқ шахс сифатида ҳурматга сазовор бўлган. Фаолиятида ЎзХДП дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор бериб келади. Фуқароларнинг сиёсий онгини ошириш йўлида кўпгина ташаббуслар билан чиқмоқда. Халқ манфаати ва ХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида тинимсиз изланади, кишилардан ўз ёрдами ва маслаҳатини аямайди. Буни биргина Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти мисолида билиб олиш мумкин. У орқали кўплаб кишилар ўзларини қийнаётган масалаларга ечим топмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, давлат дастурларининг жойларда ижроси устидан жамоатчилигини ташкил этишга катта эътибор беради. Бундай эзгу ишларда номзоднинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.


ЎзХДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари ва масъул ходимлари Жамоатчилик қабулхонаси орқали фуқароларнинг шодлиги ташвишлари, кундалик турмушда дуч келаётган муаммоларидан ҳамиша хабардор. Улар тез-тез аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларни ўйлантираётган масалалар ечимини ҳал этишда амалий кўмак берадилар.

2009 йилнинг 11 ойи давомида Жамоатчилик қабулхонасига 78 киши турли масалалар юзасидан мурожаат қилди. Мурожаатларнинг 70 фоизи ижобий ҳал қилиниб, қолганлари мутасадди ташкилотларга юборилди ва ечими ҳал этилиши назоратга олинди. Бу каби амалий ишлар режаси Дониёр Азизхўжаевнинг номзодлик дастуридан алоҳида ўрин олган.

Дониёр Азизхўжаев халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Рўзибой КАРИМОВ,
партия фаоли

Сайлов — 2009



ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНИГА ЕТДИ

Халқимиз 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловни катта катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутишмоқда.

Жойларда сайловнинг холисона, демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтиши учун барча шароитлар яратилган.

— Ўша куни округимиз ҳудудида 124292 нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга овоз беришади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 119-Чироқчи округ сайлов комиссияси раиси Ҳайитмурод Ниёзов. — Мавжуд 61 та сайлов участкаларида сайловчилар сайловни ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб чиқдилар. Уларда овоз бериш учун барча тайёргарлик ишлари якунига етди.

Абдурасул ПАРДА
олган сурат.

Фармон ва ижро

УЙЛАР МУБОРАК!

Юртимиздаги кўплаб ёш оилалар Янги йил байрамини янги хонадонларда кутиб олмоқда

Мамлакатимизда аҳолининг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим омил бўлмоқда.

Фармонда кўзда тутилган имтиёзлар асосида банклар томонидан ажратилаётган кредитлар ёш оилалар имкониятини янада кенгайтирмоқда. Шунингдек, аҳолини ҳар томонлама қулай, кўркам ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча вилоятларда уй-жой қуриш ишлари жадал давом этаётир.

«Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банкидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш ташкилотларига 44 та кўп қаватли уй-жой қуриш учун 51 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилган. Шунингдек, замонавий уйлар қуришда фойдаланиладиган қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналарга 77,9 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Натижада қурилаётган уй-жойлар миқдори ортиб, уларни тайёр ҳолда мижозларга топшириш имконияти янада кенгайди. Албатта, бундай қулайлик ёш оилаларга ҳар томонлама маъқул келаётир.

— Банк томонидан "Қорасув-6" даҳасида қурилган кўп қаватли уйдан уч хонали квартирани кредитга олдик, — дейди "Ипотека банк"нинг тошкентлик мижози Наргиза Қурбонова. — 2009 йил оиламиз учун қувончли келди. Ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик боис барча қулайликларга эга уйга кўчиб ўтдик. Янги уйда фарзанд кўрдик. Келажакдан умидимиз янада катта. Чунки турмуши фаровон, замонавий уй-жойли оилаларнинг ишида унум, келажакка ишончи мустаҳкам бўлади.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида 40 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мисол учун, Тошкент шаҳрида 548 хонадонли 17 та кўп қаватли уй-жой қуриб битказилди. Шунингдек, банк аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2010 йилнинг февраль ойига қадар яна 4 та кўп қаватли уйни фойдаланишга топширишни режалаштирмоқда.

— Бир неча йилдан буён ўз уй-жойимизга эга бўлиш орзусида яшаётгандик, — дейди «Ипотека банк»нинг сурхондарёлик мижози Баҳриддин Мингбоев. — Жорий йилда бу орзуимиз амалга ошиб, «Ипотека банк» қурган кўп қаватли уйдан икки хонали квартира харид қилдик. Бунинг учун маблағнинг 25 фоизини олдиндан тўладик. Қолгани ўн беш йил давомида тўлаб борилади. Дастлабки 3 йил давомида кредитни қайтармасдан фақат фоизларнинг тўланиши биз учун анча енгилдир. Уй тўйларимиз янги йил байрамига уланиб кетди. Янги йилни барча шарт-шароит ва қулайликларга эга, кенг ва шинам уйда кутиб оладиган бўлдик.


«Ипотека банк» якунига етаётган йилда нафақат янги уйлар қурилишини молиялаштириш, балки уй қуриш ва мавжуд турар-жойларни таъмирлаш истагида мурожаат қилган 4 минг 478 нафар оиланинг аризасини ижобий ҳал этиб, 92,2 миллиард сўмлик ипотека кредити ажратди. Мазкур маблағнинг 58,8 миллиарди айнан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Мутахассис мулоҳазаси

ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ — ТИББИЁТ МАКТАБИ

Бугунги кунда мамлакатимизда халқимиз саломатлигини муҳофазалаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўтган вақт мобайнида саломатликни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди, қатор қарор ва дастурлар қабул қилинди.



Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони тизимда олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш, тиббий хизмат маданиятини юксалтиришда бош омил бўлмоқда.

Бинобарин, ушбу Фармонга асосан, 2008 йил май ойидан бошлаб вилоят касалхоналари кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилди. Биз тиббиёт ходимлари бу эзгу мақсадни Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастуридаги вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этилишининг мантиқий давоми, деб биламиз.

Зеро, республикамизда аҳолига замонавий тиббий хизмат турларини кўпайтириш, тизимда бугунги кун талабларига мос ташкилий тузилмани шакллантириш, турли хил касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, даволашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, малакали тиббий ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш доимо кун тартибида турган масаладир.

Мана, икки йилдирки даволашнинг асосий йўналишларини қамраб олган, жумладан, режали жарроҳлик, терапия, кардиология, урология ва бошқа тиббий хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолият кўрсатяпти. Тўғриси, бу борада маълум ютуқларга эришдик, етарли тажриба тўпладик.

Мамлакатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини газетада ўқидик, телевизор орқали кўрдик.

Юртбошимиз юксак минбардан туриб, кириб келаётган янги — 2010 йилни Баркамол авлод йили, деб эълон қилди. Биз, тиббиёт ходимлари бу ташаббусни чин қалбдан қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатимизда янги йилнинг шундай аталиши саломатлик масаласига давлат томонидан кўрсатилаётган навбатдаги ғамхўрликнинг амалий намунасидир.

Қолаверса, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилаш, мавжуд баъзи масала ва муаммолар ечимини топиш йўлидаги изчил изланишларни рўёбга чиқариш учун яна бир қулай имконият деб биламиз.

Ютуқлар ўзимизники. Аммо ҳали тизимда ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Кези келганда, мутахассис сифатида баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Мана, чорак асрдан ошди, тиббиёт тизимида меҳнат қилаяпман, йиллар давомида ҳаётий тажриба орттирдим. 1983 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт Академиясини тамомлаб, Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида турли вазифаларда ишладим. 1997 йилдан буён вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида раҳбарлик лавозимида ишлаб келяпман, номзодлик диссертациясини ёқладим.

Шу ўринда мени ўйлантираётган баъзи масалаларга тўхталмоқчиман.

Мана, шифохонанинг юридик атамаси ўзгарганига салкам 2 йил бўляпти. Мавжуд 70 ўринли терапия бўлими ва вилоят маслаҳатхонасида 12 нафар врач, 30 нафардан ортиқ ҳамшира, 40 нафарга яқин кичик тиббий ва техник ходимлар ишлайди. Умумий ўринларнинг 80 фоизи хўжалик ҳисобида, 20 фоизи бюджет ҳисобидан имтиёзли гуруҳ беморларга ажратилган. Беморларнинг даволаниш муддати ўртача 8,4 кунни ташкил этади.

Бироқ бизнинг тиббий муассасага мурожаат қилувчилар сони сезиларли даражада камайиб кетяпти. Агар бу ҳолат аҳоли орасида беморлар сони камайиши билан изоҳланса, нур устига нур эди. Ёки бемор хусусий ёки давлат муассасасига бораяпти, ихтиёр ўзида. Гап унда эмас. Афсуски, тиббиёт марказимиз замонавий, халқаро стандартларга мос асбоб ускуналар билан тўлиқ таъминланмаган, мавжудлари анча эскириб қолган.

Замонавий технология, асбоб-ускуналарсиз тиббий хизмат самарадорлигини ошириб бўлмаслигини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис катта маблағлар сарфлаб, ноёб технологиялар харид қилиняпти. Масалан, компьютер-томография, фиброскоп, рентген, гемодиализ, электрокардиограф, ультра товушли текшириш аппарати, лаборатория жиҳозларини олайлик. Бу қимматбаҳо асбоб-ускуналар мураккаб механизмлардан ташкил топган, битта мурвати ишдан чиқса, у кераксиз матоҳга айланадиқолади.

Шу боис, ҳар бир вилоятдаги тиббиёт коллежларидан биттасида тиббий аппаратларни таъмирловчи мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Тиббиёт тараққиёти илмий изланишлар, кадрларнинг илмий салоҳиятига бевосита боғлиқ. Бугун қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатаётган ходимлар қандай илмий салоҳиятга эга? Бу савол кўпчиликни ўйлантиради.

Вилоятимизда Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази, Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш марказларининг филиаллари ишлаб турибди. Ушбу илмий марказлар қарийб 10 йилдан буён фаолият кўрсатяпти. Афсуски, шу пайтгача бирорта илмий иш рўёбга чиқмади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятимизда иқтидорли, изланувчан, илмга интилган ёшларимиз етарлича. Афсуски, уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида бироз сусткашлик сезиляпти.

Бугун биз илмий тараққиётлар ва уларнинг ижобий самарасини даволаш-диагностика амалиётига татбиқ этиш орқали замонавий илмий тиббиёт мактабини яратиш устида изланяпмиз. Бу мактаб — аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишнинг қўш қанотидир.

Мирзабек ДАВРОНОВ,
Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг ўринбосари.

Тадбир



САЛОМАТЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

Куни кеча Сергели туманидаги 268-мактабда «Саломатлик — улуғ неъмат» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқитувчи мураббийлар, ўқувчилар ва мутахассислар иштирок этди.

— Бундай тадбирлар ўқувчиларда тиббий маданиятни шакллантириш, саломатликка жиддий эътибор қаратиш масалаларини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Шафоат Орифжонова. — Тиббий билимга, аввало, оилада эътибор қаратилиши лозим. Буни эса ота-она фарзандига оддий гигиена қоидаларини ўргатишдан бошламоғи керак. Соғлом фарзанд — соғлом келажак демакдир. Бунинг учун ҳар биримиз масъулмиз.

Тадбирда мутахассислар ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

«АНТИҚА» ЭЛГА МАНЗУР

«Когонёгэкстракция» очиқ акциядорлик жамиятида замонавий технологияларни қўллаш эвазига бозорбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бунда Францияниng «STEKABOTTLES» компанияси, Германиянинг «СКЕТ» фирмаси билан ҳамкорлик жуда қўл келяпти. Шу боис бу ерда ишлаб чиқарилаётган ҳидсизлантирилган «Антиқа» пахта мойи, хўжалик совунлари харидорларга манзур бўлаётир. Бундан ташқари, кунгабоқар уруғидан ҳам ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ҳар йили 20 минг тоннага яқин ўсимлик ёғи, 2,5 минг тоннага яқин хўжалик совуни ишлаб чиқараётган мазкур корхона истеъмол бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Огоҳлик — давр талаби

ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиз аҳолиси тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларни рўй бериши эҳтимоли бўлган турли кўнгилсиз ҳолатлардан муҳофаза қилиш, бу борадаги профилактик ишларни янада кучайтириш мақсадида бир қанча хайрли тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари режага мувофиқ, пойтахт туманларининг аҳоли гавжум бўлган жойларида ёнғин ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бартараф этиш, шунингдек, аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича қатор махсус-тактик ўқув машқлари уюштирмоқда. Йирик бозорлар, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мактабгача таълим муассасалари аҳоли гавжум масканлар ҳисобланган учун асосий тадбирлар шу жойларда ўтказилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Қ.Аҳмедов иштирокида пиротехника воситалари тарқалишининг олдини олиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишдан сўнг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида пойтахтда фаолият кўрсатаётган «Паркент», «Фарҳод», «Қўйлиқ», «Аския» деҳқон бозорларида, Учтепа тумани ҳудудидаги «Будур» кафе-барида ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги «Туркия-Ўзбекистон» қўшма корхонаси «Чорсу» савдо марказида, Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабда «Ёнғин билан боғлиқ фавқулодда вазият содир бўлганда унинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш» мавзусида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Ўқув машқларида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Прокуратура, Ички ишлар Бош бошқармаси ва Давлат солиқ инспекцияси мутасадди раҳбарлари иштирок этдилар.

Аҳоли орасида ёнғин билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалалари ҳамда пиротехника воситаларининг хатарли жиҳатлари уқдирилган тарғибот-ташвиқот ишлари изчил йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Элдор ОРИПОВ,
ФВВ Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник.
Азамат СУЮНОВ,
журналист.

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНАДИ

Давлат солиқ қўмитаси навбатчи қисмидан олинган маълумотларга қараганда, 12-13 декабрь кунлари айнан пиротехника воситаларининг ноқонуний савдоси бўйича Тошкент вилоятида йирик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор текширув натижасида фуқаро Ф.Хайрулина ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда 4671,0 минг сўмлик пиротехника воситалари билан савдо қилаётганлиги аниқланган. Ушбу маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиниб, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёрдамида йўқ қилинди.

Шу каби ҳолат Ангрен шаҳар ҳудудида ҳам аниқланиб, фуқаро Б.Давлетов ҳеч қандай ҳужжатларсиз фуқаро Х.Хожиевга қарашли бўлган 55252,6 минг сўмлик пиротехника воситаларини ноқонуний равишда олиб кетаётганида қўлга олинган.

Ҳозирда ҳар икки ҳолат бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳуқуқий хулоса бериш учун тегишли идораларга юборилган.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимиз, турли пиротехника воситалари ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш, олиб ўтиш, улардан фойдаланиш тақиқланган бўлиб бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланганлар эса маъмурий ва айрим ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати


Таълим ва ислоҳот



СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Юртимизда таълим ислоҳоти давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис ёш авлод таълим-тарбияси, баркамол ривожланиши, уларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим босқичлари янги тизимга ўтилди. Жумладан, мактаб таълимидан сўнг, ёшларимиз академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида ўқишларини давом эттирадилар. Ўқувчиларимизнинг фан сирларини пухта эгаллашларида таълим тизимидаги академик лицейлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.





Мустақил юртимизнинг етук мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий ўқув юртлари қошида фан йўналишларини чуқур ўргатишга ихтисослашган лицейларнинг очилишига жуда катта эътибор берилди. СамДУ қошидаги 1-сон академик лицейи ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан ташкил этилган эди.

Академик лицейда таълим ислоҳотлари талабларини амалга ошириш мақсадида истиқболли иш режасига кўра ўқув ва услубий, маънавий ва маърифий тарбия йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу ерда 67 та ўқув хонаси мавжуд бўлиб, жумладан, замонавий 2 та кимё, 2 та физика, 2 та биология, астраномия, лаборатория хоналари ҳамда 3 та аудио лингафон, 1 та мультимедиа дарс ва ўқув хоналари бор. Шунингдек, 200 ўринли кутубхона, 300 ўринли ошхона, 240 ўринли мажлислар зали, 2 та ёпиқ спорт зали, тренажер зали, 2 та очиқ теннис корти ва ёпиқ бассейн ўқувчилар ихтиёрида.

— Лицейимизда Самарқанд давлат университетининг 5 та (математик анализ, ўзбек мумтоз адабиёти, Ўзбекистон тарихи, физика, кимё, немис тили) кафедра филиаллари фаолият кўрсатмоқда, — дейди лицей директори Муҳиддин Абдураҳмонов. — Лицейда малакали профессор-ўқитувчилар, жумладан: 3 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзоди — доцентлар фаолият кўрсатмоқда.

Жами ўқувчилар сони 1941 нафар бўлиб, улар 65 та гуруҳга бўлинган. Йўналишлар бўйича гуруҳлар сони: аниқ фанлар йўналишида — 10 та, табиий фанлар йўналишида 16 та, хорижий филология йўналишида — 21 та, ижтимоий-гуманитар йўналишда — 18 тани ташкил этади. Лицейда 29 та фан, 12 та спорт, 3 та ижодий тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Академик лицейда таълим олаётган иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш, уларни илмий ишларга жалб қилиш мақсадида «Кичик академия» тузилган. Лицей шаҳардаги 7 та олий ўқув юрти, Ўзбекистон Республикаси ФА Самарқанд бўлими, 3 та илмий текшириш институти, вилоят ва шаҳар кутубхоналари, Романовский номидаги математика институти ва Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорлик шартномалари тузган ва улар асосида фаолият кўрсатмоқда.

Шу боис лицей ўқувчилари фан олимпиадалари, ижодий танловларда ва спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш учун ўқитувчи малакали бўлиши зарур. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида академик лицей раҳбарияти тасдиқланган режа асосида ўқитувчиларнинг малакасини ошириб бормоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган янги йил — Баркамол авлод йили билан табриклайди

Миннатдорлик

Қарияларни қадрлаш, уларга эътибор ва эҳтиром кўрсатиш кейинги йилларда мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

ФАХРИЙЛАР СИҲАТГОҲИ

Косонсой туманида фаолият юритаётган Республика уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳи йилига 4 минг нафардан зиёд қарияларга тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда юртимизнинг турли ҳудудларидан йўлланма асосида келувчи ёши улуғ инсонлар, меҳнат фахрийларининг, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма имкониятлар яратилган.

— Яқинда масканимизда 100 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Муҳаммаджон Сайфуллаев. — Шунингдек, 7 миллион сўмлик ЭКГ аппарати олиб келиб ўрнатилди. Умуртқа поғонаси касалликлари компьютер ёрдамида аниқланиб, беморларга аниқ ташҳис қўйиляпти.

Дарҳақиқат, сиҳатгоҳдаги мавжуд замонавий тиббий асбоб-ускуналар, ҳудуднинг баҳаво иқлим шароити, малакали тиббий хизмат кўрсатиш фахрийларга маъқул бўляпти. 750 метр чуқурликдан сизиб чиқаётган маъданли сув, фитобарда жамланган 120 хилга яқин шифобахш гиёҳлар беморлар саломатлигини тиклашга хизмат қиляпти.

— Сиҳатгоҳда юзга яқин ходим меҳнат қилар экан, — дейди Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридан келган меҳнат фахрийси Ойниса Содиқова. — Уларнинг ҳар бири хушмуомала, ширинсўз, ўз ишини астойдил бажаришга ҳаракат қилишади. Айниқса қўли гул шифокорлар — Маҳмуда Юсуфжонова, Фавзия Исмоилова, Абдураҳмон Маҳкамовларнинг хизматидан барчамиз мамнун бўлдик.

Айни кунда сиҳатгоҳда яна бир хайрли ишга киришилди. Ҳозирда бу ерда замонавий кэмпинг мажмуи қад ростламоқда. Бу эса шифо масканининг янада обод ва кўркам, муҳими, барча қулайликларга эга сиҳатгоҳ бўлишини таъминлайди.

Исоқул УМРЗОҚОВ,
журналист, меҳнат фахрийси,
ХДП аъзоси.

ТЕРМИЗ ТУМАНИДАГИ ЯНГИАРИҚ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

жамоаси кириб келаётган
ЯНГИ — 2010 ЙИЛ *билан*
барчангизни муборакбод этади.


Баркамол авлод йили ҳар биримизга кўпдан-кўп қувончли кунларни ҳадя этсин!



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни кириб келаётган
ЯНГИ ЙИЛ
байрами билан
муборакбод этади.

Хонадонларимиздан ҳеч қачон тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин!



«БОҒОТДОН»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни 2010 ЙИЛ — Баркамол авлод йили билан самимий муборакбод этади!

Барчага соғлик, тинчлик-хотиржамлик, омад ва бахт тилайди.


БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни кириб келаётган 2010 ЙИЛ — Баркамол авлод йили билан чин дилдан табриклайди.


Янги йил барча соҳаларда улкан зафарлар йилига айлансин!

Хонадонларимиздан ҳеч қачон файзу барака аримасин. Юртимиз осмони мусаффо бўлсин.









«ЎЗМАЛОЙЛ»


ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз фуқароларини яқинлашиб келаётган — *2010 ЙИЛ* билан самимий муборакбод этади.



Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!

«ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ»





АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни кириб келаётган Янги — 2010 ЙИЛ билан самимий муборакбод этади!

Янги йил барчамизга бахт ва омад, эл-юрт равнақи йўлидаги ишларимизда муваффақиятлар олиб келсин.

Янги йилингиз билан, азизлар!




2010

СПОРТ

ОДИЛ АҲМЕДОВ – ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида йил якунлари бўйича номинациялар ғолиблари эълон қилинди. Анъанага кўра ўтказилган бу йилги сўровда мамлакатимизнинг турли оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган 155 нафар журналист иштирок этди.

Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати якунлари бўйича «Пахтакор» (Тошкент) ва мамлакат миллий терма жамоалари ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов йилнинг «Энг яхши ўйинчиси» деб топилди. Мазкур сўровда турли жамоаларда тўп сураётган жами қирқ тўрт нафар футболчи номзоди кўрсатилганди. Улар орасида энг кўп — 329 очко жамғарган «Пахтакор» вакили бош совринни қўлга киритди. Кейинги ўринларни эса «Бунёдкор» жамоаси аъзолари бразилиялик Ривалдо (193 очко) ҳамда Жасур Хасанов (86)лар эгаллади.



Абдураимов (85, «Динамо» Самарқанд)лар банд этишди.

Якунланган чемпионат тўпурарлари баҳсида «Бунёдкор» жамоаси сардори Ривалдога тенг келадигани топилмади. Таниқли бразилиялик футболчи рақиблар дарвозасини 20 маротаба аниқ нишонга олиб, «Энг яхши тўпурар» сифатида эътироф этилди.

Йилнинг «Энг яхши мураббийи» совриниучун кураш ўн тўққиз нафар мутахассис ўртасида борди. Якунда ниҳоясига етган мавсум кашфиётига айланган «Олмалиқ» (Олмалиқ) жамоаси бош мураббийи Игорь Шквирин энг кўп очко тўплади — 365. Кейинги поғоналарни россиялик Виктор Кумиков (105, «Насаф») ҳамда Азамат Абдураимов (85, «Динамо» Самарқанд)лар банд этишди.

Якунланган чемпионат тўпурарлари баҳсида «Бунёдкор» жамоаси сардори Ривалдога тенг келадигани топилмади. Таниқли бразилиялик футболчи рақиблар дарвозасини 20 маротаба аниқ нишонга олиб, «Энг яхши тўпурар» сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, тадбирда ФИФА рефериси Равшан Эрматов — «Энг яхши ҳакам», «Пахтакор» ва Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, 1994 йилда туғилган Темур Ҳакимов — «Энг яхши ёш футболчи», «Бунёдкор» ПФК — «Энг интизомли жамоа» номинацияси ғолиби, деб эълон қилинди.

«ПАХТАКОР»ДА ЯНГИ МУРАББИЙ

Мамлакатимизнинг етакчи футбол клубларидан бири Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида янги бош мураббий иш бошлади. Маълумотларга қараганда, пахтакорчилар черногориялик мутахассис Миодраг Радулович билан икки йиллик шартнома имзолашган.

Бунгача «Пахтакор» болалар футбол академиясида ишлаб келган Мурод Исмоилов ҳамда Григорий Колосовскийлар хориж лик мутахассисга ёрдам берадиган бўлишди. Жамоанинг собиқ бош мураббийи Виктор Жалилов ва Равшан Ҳайдаровлар эса футбол клуби тизимида фаолият юритишда давом этишади.

Шунингдек, жамоа футболчилари таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди. Жумладан, «Пахтакор» клуби Муқимжон Тошматов («Сўғдиёна»), Александр Востриков («Олмалиқ»)лар билан шартнома имзолаган.

Эркин ХОЛБОБО





BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Qchilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
8680 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 01.20
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda